

*“Агробанк” АТБ Акциядорларнинг 2019 йил  
23 октябрдаги навбатдан ташқари умумий  
йигилишининг 40 - сонли Баённомасига*

*3-илова*

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки  
Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида**

**Н И З О М**

**Тошкент-2019**

**Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги "Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 356-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, банк Кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

### **Банк кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш мезонлари**

2. Банк кенгаши аъзоларига ҳар чоракда банк кенгаши йиғилишларида иштирок этган ҳолларда чорак якунланган ойнинг кейинги ойида МХТЭКМ нинг 15 баробари миқдоригача ҳақ тўланади.

3. Банк кенгаши аъзоларига ўтган йил учун белгиланган мукофотлар ҳисобот йилининг якуни бўйича копоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчининг натижалари олингандан кейин қўшимча равишда ҳар чорак учун МХТЭКМ нинг 2 баробари миқдоригача ҳақ тўланиши мумкин

### **Банк кенгаши аъзоларини рағбатлантириш манбалари**

4. Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш тўловлари тўлаш манбалари банк маблағлари ҳисобланади ва банк бизнес – режасида акс эттирилади.

5. Рағбатлантириш тўғрисида маълумотлар ушбу Низомга мувофиқ Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган пул миқдори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, банк томонидан ошқор қилинади.

### **Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори ва тартиби**

6. Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ умумий суммаси, бир чоракда МХТЭКМ нинг 17 баробаридан ошмаслиги керак.

7. Ушбу Қоидаларнинг 3-бандида белгиланган Банк кенгашининг аъзолари учун тўланадиган ҳақ:

- Кенгаш томонидан ўтказилган йиғилишларининг 50 фоизигача узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган ҳолларда (хизмат сафарлари, меҳнат таътиллари, касаллик ва бошқалар бундан мустасно) мукофот пули 50 фоиз миқдорида чегирилади;

- Кенгаш томонидан ўтказилган йиғилишларининг 50 фоизидан ортиғида узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган ҳолларда (хизмат сафарлари, меҳнат таътиллари, касаллик ва бошқалар бундан мустасно) мукофот пули 100 фоиз миқдорида чегирилади.

Шу билан бирга, Банк кенгашининг мажлислари шахсан учрашувлар ўтказиш орқали, шунингдек видео конференциялар ва телефон алоқалари орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

8. Банк кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Банк кенгаши янги таркиби сайланган тақдирда, мукофотлар (Банк кенгаши) йиғилишларида қатнашганлик учун ишлаган ой учун ҳар бир аъзога мутаносиб равишда тўланади.

9. Кенгаш аъзоларининг ёки айрим аъзоларининг айби билан банк молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи қарорлар қабул қилинганда ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган мукофот миқдори Кенгаш аъзоларининг барчаси ёки айрим аъзоларининг мукофот миқдори камайтирилиши ёки тўлиқ маҳрум қилиниши мумкин.

10. Кенгаш аъзоларига мукофотлар тегишли маблағларни уларнинг шахсий ҳисобварақларига ёки хизмат кўрсатишда очилган пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўланади.

11. Банк кенгаши аъзоларининг маълумотлари уларнинг аризалари асосида аниқланади.

12. Банк кенгашининг котиби ҳисоботларни юритади ва ҳар чорак ҳисобот даври тугаганидан кейин ой 5-санасигача Банк кенгаши аъзоларига мукофотлар тўлаш тўғрисида Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаментига маълумот беради.

13. Банк кенгаши аъзоси (аъзолари) ушбу Низомда кўзда тутилган мукофотларни олишни рад этишга ҳақли. Бунда, Кенгаш аъзоси бу ҳақда Кенгаши раиси ёки банк Бошқарувига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

### **Банк кенгаши аъзоларига солиқ солиш**

14. Банкнинг Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

### **Яқуний қоидалар**

15. Ушбу Низом тасдиқланган кундан кучга киради ва бекор қилингунга қадар амал қилади.

16. Ушбу Низомда кўзда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

## Банк кенгаш аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жадвали

№	Ф.И.О.	Бир чорак давомида МҲТЭКМ ни 15 баробар миқдорида (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 634 880 сўм)	Ушланма 13%	Чорак давомида қулга тегадиган сумма	Йиллик қулга тегадиган сумма
1.	Хайдаров Аҳадбек Яхебекович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
2.	Рустамов Эркин Эркамович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
3.	Эшабаев Эркинжон Холбоевич	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
4.	Атаханов Баходир Алишерович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
5.	Исаков Одилбек Рустамович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
6.	Вафаев Шухрат Абдушарифович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
7.	Юсупходжаев Асил Агзамович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
8.	Хамроҳўжаев Неъматжон Яхёхонович	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
9.	Норгитов Мухитдин Джурабоевич	9 523 200	1 238 016	8 285 184	33 140 736
	<b>Жами:</b>	<b>85 708 800</b>	<b>11 142 144</b>	<b>74 566 656</b>	<b>298 266 624</b>